

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 16 декабрь, № 265 (7767)

Чоршанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## «Халқ сўзи» учун махсус

### Ўзбекистон ва Жанубий Корея зиёрат туризми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолади

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг Жанубий Кореядаги элчиси Виталий Фен Жанубий Корея мусулмонлари федерацияси раиси, имом Ли Жу Хва (Абдулрахмон Ли) билан учрашув ўтказди.

Музокараларда Ўзбекистонда туризм инфратузими ривожлантириш ва чет эллик саяҳатчилар учун қўлай шароитлар яратиш, маданий мерос объектлари ва ислом маданиятига оид муқаддас қадимжоларни тиклаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида маълумот берилди. Исломи тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин Марғиновий ва бошқа таниқли ўзбек олимлари ва мутафаккирлари ҳақида батафсил сўзлаб берилди. Ўзбекистонда бугунги кунгача сақланиб қолган ушбу буюк шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ёдгорлик мажмуалари, макбаралар ва музейлар дунёнинг турли ўлкаларидан келаётган кўплаб мусулмонлар учун муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланиши таъкидланди.

Жанубий Корея мусулмонлари федерацияси раҳбари Имом Бухорий, Нақшбандий ва бошқа буюк алломаларнинг бебаҳо мероси туфайли Ўзбекистон ислом оламида алоҳида мавқега эга эканини қайд этди. Ўзбекистонда сўнгги йилларда зиёрат туризмни қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган қўлай шарт-шароитлар мамлакатнинг мусулмон дунёсидаги обрў-эътиборини янада ошираётгани ишонч билдирди.

**Маълумот учун:** Мазкур федерация 1967 йилда ташкил этилган. Ташкилот Жанубий Корея мусулмон талабалари уюшмаси ва Жанубий Корея ислом маданияти институтини назорат қилади, Қуръон ўрганиш бўйича мадрасалар фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Абдулрахмон Ли, шунингдек, Жанубий Корея мусулмонлар жамоатининг бош имоми ҳисобланади.

«Дунё» АА.  
Сеул

## Сарҳисоб

### БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛДИ?

#### ШУ ЮЗАСИДАН МАСЪУЛЛАР АХБОРОТ БЕРДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, вазирлар, ташкилотлар раҳбарлари, Ёшлар парламенти аъзолари, ўқувчи-ёшлар ва журналистлар қатнашди. Тadbирда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан иштирок этди.

Илгилида масъул вазирлик ва идоралар томонидан 5 ташаббус доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотлар берилди.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### ҲАР БИР ҲАРАКАТДА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар мамлакатимиз ташқи сиёсати ҳамда иқтисодий-иқтисодий ҳаётига оид, шунингдек, жамиятда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг шахсга доир дахлсиз ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид масалаларни кўриб чиқилди.

#### Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги қўллаб-қувватланди

Кун тартибидagi масалаларни кўриб чиқишдан аввал депутатлар бир неча ойлардан бери олиб борган саяхат-ҳаракатлари маънавий ечим топаётганини ва шу йил 11 декабрь кўни Ўзбекистон Республикаси Ев-

росиё иқтисодий иттифоқи таркибида кузатувчи макomini олганлиги иштирокчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватланганлигини мамнуният билан таъкидлади. Сўзга чиққан барча фракциялар вакиллари ЕОИИ билан иқтисодий ҳамкорликда фаолият кўрсатишга ҳозирлик кўриш зарурлигини қайд этдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, бугун Ўзбекистон ташқи сиёсати чўқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий жиҳатдан мустаҳкам йўналиш-

лар асосида ривожланиб бормоқда. Айниқса, халқаро иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва жаҳон бозорига интеграциялашув жараёнида мамлакатимиз учун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ЕОИИ саммитидаги нутқида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли иқтисодий-иқтисодий ислохотларнинг бугунги муҳим босқичида Ўзбекистон барча халқаро шериклар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни изчил кенгайтириб бориш, шу жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан мулоқотни ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.



## ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИК КОМБИНАТ ҚУДАРАТИНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА



Кувондик САНАКУЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони.

татбиқ этилаётгани комбинат раёнада янги имкониятларни яратмоқда.

### Мушоҳада

Дунё микёсида кескин рақобат кучайиб бораётган бир пайтда унга дош бериш, жаҳон бозоридан ўрин эгаллашни ўзи бўлмайди. Бу, шакшубҳасиз, янги ёндашуви, замон билан ҳамқадам илдамлашни талаб этади. Шиддатли давр ислохотларни янада чуқурлаштириш, ноёб технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, соҳага инновация, илм-фан ютуқларини кенг жорий қилишни тақозо этмоқда. Буни чуқур англаган

Жаҳонга машҳур корхоналардан бири — Навоий кон-металлургия комбинати юртимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида кон-металлургия соҳасини ривожлантиришга қаратилган муҳим дастур ва пухта ўйланган инвестицион лойиҳалар изчил



## Сенатнинг ялпи мажлиси олдидан

### МАМЛАКАТИМИЗ СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАДА

Шу йилнинг 18 декабрида Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор долзарб масалалар кўрилиши режалаштирилган. Шу масалалар ҳозирги кунда Сенат қўмиталари томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилинмоқда.

#### Божхона қонунчилиги ва тартиботи соддалаштирилади

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси йиғилишида дастлаб “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди.

Муҳокамада 2021 йил учун мўлжалланган Давлат бюджетини ишлаб чиқишда асосий эътибор макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, фискал рағбатлантириш чораларини мўтадиллаштириш, иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори бўлишини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

“Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил

18 май, 1999 йил 26 июнда қабул қилинган ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”-ги Қонун ҳам муҳокама марказида бўлди. Шу масала юзасидан Давлат божхона қўмитаси вакили маълумоти тингланди.

Қайд этилганидек, ушбу Қонуннинг мақсади Жаҳон божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Киото конвенцияси қоидалари асосида божхона қонунчилиги, тартиботини соддалаштириш ва уйғунлаштиришдан иборат бўлиб, Конвенция қоидалари тавсиявий характердаги стандартлар шаклида ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда Жаҳон божхона ташкилотига аъзо 183 та давлатдан 121 таси, шунингдек, МДҲга аъзо 7 та мамлакат, хусусан, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозғистон, Россия, Тожикистон ва Украина мазкур Конвенцияга қўшилган.

Йиғилишда Ўзбекистоннинг бу халқаро ҳужжатга қўшилиши келгусида халқаро баҳолашчи индексларда мамлакатнинг рейтингини ошириш, миллий божхона қонунчили-

гини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш ҳамда мамлакатимиз инвестиция муҳитини янада яхшилаш каби кўплаб имкониятларни тақдим этиши таъкидланди.

#### Ижара ставкалари оширилишига эътироз билдирилди

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси йиғилишида “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”-ги Қонун ва Бюджетнома, Давлат бюджетининг 2020 йил тўққиз ойидаги ижроси кўриб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа sanoati давлат қўмитаси раисининг ахбороти аштилди.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”-ги Қонун ва Бюджетнома муҳокамасидан сўнг шу масала юзасидан Молия вазирлиги вакиллари ахборотлари тингланди.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”-ги Қонунда маҳаллий бюджетнинг захира жамғармаларини шакллантириш назарда тутилмоқда.



## Ҳафталик

### МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ, КАШФИЁТЛАР, ПРЕМЬЕРАЛАР, МОДА КЎРГАЗМАЛАРИ

#### IV АНЪАНАВИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ҲАФТАЛИГИДА ЯНА БИР БОР НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Тошкент шаҳрида “Ўзбекистоннинг маданий мероси — янги Ренессанс пойдевори” шиори остида IV анъанавий маданий мерос ҳафталиги очилди.

Ёшлар ижод саройида ҳафталикнинг муҳим тадбири — Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва омаллаштириш бўйича бутунжаҳон жамиятининг IV халқаро Конгресси ўтказилди.

Унда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик

корпус вакиллари, 40 дан ортиқ мамлакатлардан 300 нафар, шунингдек, юртимизнинг мингдан зиёд таниқли олимлари, профессор-ўқитувчилар ва ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Айтиш керакки, дунёда пандемия билан боғлиқ юзага келган мураккаб вазият ҳисобга олинган ҳолда, халқаро илмий кучларни бирлаштирган тадбир қисман видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилди.



## Мулоқот

### Парламентлараро алоқалар кенгаймоқда

Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги парламентлараро дўстлик гуруҳининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, Буюк Британия билан ҳамкорлик бўйича парламент гуруҳи раҳбари Соҳиб Сафоев, Буюк Британиянинг Ўзбекистон бўйича Умумпартиявий парламент гуруҳи (АППГ) раҳбари Э. Бриджен ҳамда Ўзбекистон парламенти палаталари ва Умумпартиявий парламент гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Ўзаро мулоқотда сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришда парламентлараро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Брекситдан кейин, шунингдек, пандемия даврида ва ундан сўнг Ўзбекистон ва Буюк Британия муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Алоқаларни янада фаоллаштириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро иттифоқ ва ЕХТТ Парламент Ассамблеяси доирасида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган ташаббусларни амалга ошириш юзасидан ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштириш муҳимлигига эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан икки давлат ҳам бирдек манфаатдор ва бунинг учун ҳали фойдаланилмаган кенг имкониятлар мавжуд.

Томонлар коронавирус инфекциясига қарши курашиш, унинг иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётга таъсирини юмшатиш бўйича Ўзбекистон ва Буюк Британияда қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ахборот алмашди. Бу бўйича ва, умуман, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Британия парламенти аъзолари Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда эришган ютуқларини мамнуният билан эътироф этди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган саяхат-ҳаракатларга юксак баҳо берилди.

Учрашувда томонлар мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва бунда парламентларнинг ролинини ошириш юзасидан аниқ таклифларини билдирдилар.

«Халқ сўзи».



# МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ, КАШФИЁТЛАР, ПРЕМЬЕРАЛАР, МОДА КЎРГАЗМАЛАРИ

## IV АНЪАНАВИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ҲАФТАЛИГИДА ЯНА БИР БОР НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Олий Мажлис Қонунчи палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Ўзбекистон маданий меросни сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти бошқаруви кенгаши раиси Фирдавс Абдуҳалиқов, мамлакатимизнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси бош котиби Ганяна Умерова ва бошқалар Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган мамлакатда янги Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббуси ҳаётнинг барча жаҳасида кенг миқёсда янгилинишлар амалга оширилаётган даврда ўзига хос мазмун-моҳият касб этаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори илм-фан, таълим, маданият ва санъат янада ривожлантириш, халқимизнинг маданий меросини ўрганиш ҳамда асраб-авайлаш, тарғиб этиш борасида кенг қўламли ишлар юрдашларимизнинг буюқ тарихимизга муносабатини ўзгариштиришга, билим ва маънавиятини бойитишга, миллий ғурурнинг юксалтиришга ҳизмат қилмоқда.

Тадбирда таниқли олимлар ўзбек заманида яшаб ўтган алломаларнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси, инсоният тарихида бетақдор из қолдирган биринчи ва иккинчи Ренессанс даврларини ўрганишдаги кўп йиллик тадқиқотлари натижалари ва оламшумул топилмалари ҳақида сўз юрди.

ЮНЕСКО бош директорининг маданият масалалари бўйича муовини Эрнесто Отто-

не ўз сўзида Ўзбекистоннинг маданий бойлиги мамлакат келажagini қуришда муҳим пойдевор экани, маданият инсонга тенглик ва жамиятлар орасида ўзаро мойиллик уйғотиши, кўпроқ янгиликлар беришини таъкидлади.

“Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпلامларида” лойиҳаси доирасида чоп этилган янги китоб-альбомлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур китоблар Ўзбекистоннинг дунё жаҳаннамларидаги, яъни Чехия, Ҳиндистон, АКШ, Канада, Италия, Туркия, Польша, Буюк Британия, Япония каби мамлакатларда сақланаётган турли даврларга оид бетақдор санъат асарларини бутун ранг-баранглиги билан намоеён этган. Тўпلامлардаги бир қатор нашрлар республикамиз зийб масканларида — Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти музейида сақланаётган нодир осори атиқаларга бағишланган.

Ҳафталик доирасида қатор кўргазмалар, давр сўхбатлари, кўнгалочар тадбирлар ташкил этиш режалаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон кинематографияси тарихида муҳим воқеа — Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти ҳарбийлигида Россия қишлоқларидан ўзбек мультфильмлари кинотасмаларининг (100 дан зиёд мультфильмлар) ва ўзбек киноси “олтин жамланмаси”га оид 6 та кинофильмнинг қайтарилганига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Шунингдек, ёш авлод ўрта-

сида маданият ва фанни оммалаштиришга йўналтирилган тадбирлар ташкил қилинади. Махсус интерактив майдонлар тайёрланиб, улар орқали ёшлар ўзаро қизиқarli тарзда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар билан танишишлари мумкин.

Бундан ташқари, яратилган мультимедиа “база”лари, 3D-инсталляциялар қадим асрлар силсиласидаги сахналарни, тарихий кинофильмлар ҳамда китоблардаги воқеаларни кўз олдинда жонлантиради. Миллий хунармандчилик маззуларини ўзига акс эттирган майдонлар, халқ рақслари бўйича мастер-класслар, шунингдек, “Нима? Қаерда? Қачон?” интеллектуал ўйини экспертларнинг Ўзбекистон тарихига оид маззулардаги бахслари ва ҳатто тарихий театрлаштирилган томошалар намойиш этилади.

Умуман, Ўзбекистон маданий мерос ҳафталиги меҳмонларга ва иштирокчиларга кўпгаб ёқимли туҳфаларни тайёрламоқда. Улар орасидан юртимиз ижодкорлари томонидан тасвирга олинган фильмлар тақдирлари, нодир хроника кадрлари ўз ичига олган “Кинолекторий” ва бошқа тадбирлар ўрин олган.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдухалиқов сўзга чиқди.

Ҳафталикнинг илк кунинда “Миллий либослар — янги Ренессанс дурдонаси” маззуида модалар намойиши бўлиб ўтди.

Дилшод ҚАРИМОВ («Халқ сўзи»)

## Бунёдкорлик

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги Эшонобод қишлоғи аҳли учун кечаги кун умрбод эсидан чиқмайдиган бўлди. Гап шундаки, бу ерда “Обод қишлоқ” дастури доирасида илгари қузилган кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шинам маҳалла биноси, қайта таъмирланган мактаб ва боғчалар, ихчам лектин кўркам майдон, турли маиший хизмат кўрсатиш марказлари ва бошқа объектлар... Буларнинг барчаси қишлоқ аҳли ихтиёрига топширилди.

# ЭШОНОБОДЛИКЛАР ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ТОБОРА ЯХШИЛАНЯПТИ

Қишлоқни кўриб гуёки шаҳар, дейсиз. Бинобарин, қад рўстлаган бино-иншооту яратилган шарт-шароитлар замон талабларига мос. Шу боисдан Эшонобод маҳалласи ҳудудий марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Атроф байрамона безатилган. Ҳаво совуқ бўлишига қарамадан юзларда табасум, кайфият аэло. Катта-ю кичик — ҳамма хушқайфиятда, бири-бирини табриклаган. Қисқаси, Эшонободдаги тадбир байрамга уланиб кетди. Унда вилоят ва туман ҳокимликлари мутаассадилари, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари элчилари, дипломатик корпус вакиллари, кенг жамоатчилик ҳамда журналистлар қатнашди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ қайта қиёрой оған ушбу ҳудудда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоғи,



тиқувчилик қорхонаси, замонавий илм масканлари, кутубхона, стадион, спорт заллари, истироҳат боғи, ИИБнинг ҳудудий таянч пункти каби ўнлаб замонавий бинолар қад рўстлади.

Сирасини айтганда, турли миллат вакиллари истиқомат қилувчи мазкур маҳалла бугун таниб бўлмас даражада ўзгарди. Обод қишлоқ кўчалари, кўркам ҳовлиларга монанд умумий ўрта таълим ва мактабгача таълим муассасалари, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Бу Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар нечоғли амалда ўз самарасини бераётганига, мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор вазиға аканлиги-га, уларнинг муносиб турмуш кечирishi-лари йўлида қилинаётган саяё-ҳаракат-ларга яна бир мисол бўлди. Бинобарин, бу борадаги ишлар қўлами тобора кенгайиб бораёттир. Яъни Манасдан бошланган эзгулик республикамизнинг турли ҳудудларида буй кўрсатмоқда. Эшонобод навабдаги ана шундай манзиллардан бирига айланди.

Чиндан ҳам, бугун Эшонобод маҳалласи таниб бўлмас даражада ўзгарди. Аввалги ташландиқ ёки пасткам бинолар ўрнини замонавийларни эгаллади. Ҳудудда учинчи сектор ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш бўлими, тиббий хизмат кўрсатиш маркази каби объектлар фаолияти йўлга қўйилгани қишлоқ аҳолисини ниҳоятда мамнун этмоқда.

Мазкур ҳудудда фойдаланишга топширилган “Хўжакеч текстиль групп” қорхонаси 500 нафар қишлоқ аёлларини иш билан таъминлади. Туркия, Германия,



Япония каби илғор давлатлар технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган ўн турдан ортиқ махсусотлар ички ҳамда ташқи бозорга тақдим этилади. Буларнинг барчаси эшонободликлар турмуш маданияти тобора юксалаётганидан далоялат.

Қайд этганимиздек, давлатимиз раҳбари бевосита гоёси асосида бажарилаётган бу каби ишлар ҳайратланарли. Бундай сўзларни тадбир иштирокчиларининг ҳар биридан айтиши мумкин.

**Владимир ТЮРДЕНЕВ, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Чека бир қишлоқда бундай ободончиликлар амалга оширилгани кишини гоёта мамнун этади. Замонавий мактаб биносининг янги ўқув қўлағималари, дарс-лекциялар билан таъминлангани, ўқувчилардаги билим олишга бўлган интилиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш асосида иш олиб бораётган соғломлаштириш тўғрисидаги фаолияти киши ҳавасини келтиради. Очиги, спорт машғулотлари ўқувчиға ихтисослаштирилган бундай замонавий биноларни ҳамма жойда ҳам тоғиб бўлмайди. Бу Ўзбекистонда таълим, спорт, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ислохотлар самарасидир.

**Содиқ ИМОМИЙ, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган

ўзгаришларни бутун дунё эътироф этапти. “Обод қишлоқ” дастури доирасидаги улкан бунёдкорликлар ҳар қандай одамни ҳаяжонга солади. Диний эркинлик бора-сидаги ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Биринчи Эшонободда турли миллат ва эл таваққулининг ўзаро ҳамжиҳат, бир оила аэлоларидек яшаётгани шундан далоялат, албатта.

Қолаверса, ҳудудда таълим-тарбия, иқтисодий, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш мақсадида қурилган иншоотлар халқ фаровонлигини таъминлаши билан бағоят аҳамиятлидир.

**Содиқжон ТУРДИЕВ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари:**

— Мамлакатимизда одамлар турмуш маданиятини юксалтириш бош вазиға қилиб белгиланган. Бунда “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” ва бошқа дастурлар айна мудабо бўлмоқда. Чунки уларнинг ижроси иқтисодий муаммоларни бартараф этишда, халқимизнинг ҳаёт тарзини юксалтиришда қўл келяпти. Эшонободдаги ўзгаришлар, унинг бугунги жамоли фикримиз тасдиғидир.

Эшонободликлар бугун “Обод қишлоқ” дастури доирасидаги ишларни ўзларининг ҳаётлари мисолида кўриб туришибди. Шароитлари мактаб гағирилмоқда. Улар ҳақ, Чунки бу ерда бажарилган ишлар шунга лойиқ.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»):** Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИК КОМБИНАТ КУДРАТИНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА

Мана, тўрт йилдирки, унинг ижроси белгилаб олинган режа асосида жадал суратларда олиб боришмоқда. Ҳозирги кунга қадар дастур доирасида 1,6 миллиард доллар маблағ ўзлаштирилди ва 10 та объект фойдаланишга



топширилди. Бунинг натижасида олтин ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга, қумуш ишлаб чиқариш ҳажми эса 45 фоизга ошди. Бу муваффақиятлар жамоамизнинг тинимсиз изланиш, интилиш, билим ва инновация салоҳияти, фидокорона меҳнати ва машаққатлари эвазига қўлга киритилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни пайтда ҳар бир соҳага иш унумдорлиги юқори, тежамкор бўлган замонавий техника ва технологиялар кириб келяпти. Замон талабига ҳамнафас бўлиш учун комбинатимизда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, маъдан қимматбаҳо металларни ажратиб олишнинг янги технологияларини яратиш борасида кенг миқёсда ишланган олиб борилиб, фан-техника соҳасида эътирофга молик янгиликлар яратилганга эришяптик. Ана шундай ютуқларимиздан бири — саноят чикиндиларини қайта ишлаш технологияларидир. Уларнинг ҳар бири техник ечими, ўзига хослиги, ноёблиги жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади.

Тажрибадан маълумки, маъдан таркиби қимматбаҳо металларга бой ёки қаданқоқ кўринишда бўлади. Таркиби бой маъданлар қорхоналарда қайта ишланиб, унинг металл кам бўлган қисми эса келажакда кенг фойдаланиш учун саноят майдонларидаги махсус ташкил этилган уюмларга йиғилиб келинаётган эди. Уларни вақти келиб техноген қонлар қаторига ки-

ритиш ва махсусот олишни қўзлаган эдик. Энди аста-секин уларни янги технологиялар асосида қайта ишлашга киришяптик.

Республика раҳбариятига олтинни уюмда ишқорлаш цехини техноген чикиндиларини

гача заводда маъдани қайта ишлашга ихтисослашган 4 та теғирмон мuddатидан анча олдин ишга туширилди. Ҳар бир қорхонада технологиялар, унинг техник ва инновацион ечимлари, мутахассислар салоҳияти ва бошқа муҳим шартлар асосий роль ўйнайди. Комбинатда ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бу ресурсларни тежаш, маблағларни иқтисод қилиш имконини беради.

Хусусан, 7-гидрометаллургия заводи ана шундай замонавий технологияларга асосланган билан аҳамиятли. Мазкур заводнинг яққол ажралиб турадиган яна бир устулиги шундаки, таркибиде олтин кам бўлган, олдин ишланган ва захиратга олинган маъдани яна қайта ишлаб махсусот олиш, оддий айтганда, техноген маъданлар кислотали ишқорда яна қайта ишланиб, қўшимча махсусот олиш имкониятини яратди. Шунингдек, у қуноқлардан хом ашё сифатида фойдаланиш даражаси билан бошқалардан фарқ қилади. Қайта ишлаш жараёнида фақат маҳаллий кимё махсусотлари ишлатилади. Бу эса махсусот таннархини янада арзонлаштиради. Ушбу завод тўла қувват билан ишга туширилгандан сўнг йилга 15 миллион тонна техноген чикиндиларини қайта ишлаш ва 7,5 минг кг. олтин ишлаб чиқариш, шунингдек, 1,1 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Яна бир қуноқли жиҳати, завод ўзининг замонавий лабораториясига эга. Унда тўрт турдаги энг мураккаб таҳлил ишлари олиб борилади. Улар орасида намунавий таҳлил усули ўзига хослиги билан ажралиб туради ва унинг аниқлик даражаси ҳам жуда юқори ҳисобланади.

Комбинат иқтисодиётида гидрометаллургия заводлари, айниқса, маъдани қайта ишлаш ва тайёр махсусотга айлантириш борасида етакчилик қилиб келаятган 2-гидрометаллургия заводининг ўрни бекиёс. Ҳозир завод имкониятларини янада кенгайтириш, унинг қувватини йилга 50 миллион тоннага етказиш бўйича бошқумма-бошқум инвестицион лойиҳалар олиб боришмоқда.

Хусусан, қиймати 168,3 миллион доллар бўлган “2-гидрометаллургия заводи”нинг қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш (1-2 бошқумчлари) лойиҳаси ана шундай ишларнинг биридир. Ундан қўзланган мақсад, қорхонада маъданларни қайта ишлаш ҳажмини бошқумма-бошқум ошириб боришдан иборат. Ҳозиргача ушбу лойиҳа доирасида маъдани қайта ишлаш бўйича ҳар бирининг йиллик қуввати 2,5 миллион тонна бўлган 29 ва 30-сонли теғирмонлар мuddатидан олдин ишга туширилди

ли-оҳақли ишлов бериш технологиясини қўлашга қарор қилингани 31 миллион долларни иқтисод қилиш имконини беради. Бунёдкорлик ишларини 2023 йилда тугатиш, заводни тўла қувват билан фойдаланишга топширишни мўлжаллаганимиз. Завод тўлиқ ишга туширилиши натижасида 3,5 минг янги иш ўрни яратилади ва ҳар йили 5 миллион тонна маъдани қайта ишлаш имкони пайдо бўлади.

Таъкидлаш жоизки, “Ауминзо-Амантой” саноят майдонини янги барпо этилган ишчилар шаҳарчаси бунёдкорлик ишларининг ёрқин намунасидир. Бир ярим минг кишига мўлжалланган ташириш ва унинг ҳудудини замон талаблари асосида бунёд этилган ошона, муҳандис-техник ходимлар учун 4 та турар жой биноси, шунингдек, ишчилар учун барча қулайликларга эга 14 та ётоқхона қуриб битказилган. Шаҳарчада кундалик харид моллари дўкони, тиббиёт пункти, дорихона, 400 ўринли ошона, спорт мажмуаси, футбол майдончаси, автотубус ва енгил машиналар учун тураргоҳ мавжуд.

Фаолият қўлами жиҳатидан комбинат янги ички махсусот, саноят махсусотлари ишлаб чиқариш ва давлат бюджетни даромадларини шакллантиришда салмоқли улушга эга бўлган йирик қорхона ҳисобланади. 2020 йилда комбинат томонидан ишлаб чиқарилган махсусот қиймати хорижий валюта эквивалентида 4,6 миллиард доллар бўлиб, у республикада ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқлаб берилган комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш дастури истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган тарихий ҳужжат бўлиб, унда қиймати 3,4 миллиард долларлик 27 та йирик лойиҳани амалга ошириш, пировардида ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга кўпайтириш ва 30 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

оширилиши келажакда комбинат учун катта имкониятларни яратди. Унга ўрнатилаётган технологиялар хусусияти ҳам бошқача. Яъни муллоқоқ янгича усул — кислотородли-оҳақли ишлов бериш технологияси асосида олтин ажратиб олинади.

Айни пайтда ҳам бу бағрида жуда катта ҳажмда ишлар олиб борилади. Яқин кунларда мuddатидан олдин заводнинг йилга 2 миллион тонна маъдани қайта ишлаш қувватига эга 1-сонли теғирмонини ишга тушириш мўлжалланган. Ҳозиргача унинг бўлим ва цехлари, лаборатория, маиший хизмат ва 200 ўринли ошона бинолари, 26 километрик темир йўли қурилиши бўйича ишлар жадал давом этмоқда. Қуноқли жиҳати, ушбу дастурда кўзда тутилган қуйдириш ва сульфат кислотаси технологияси ўрнига камхаржли кислотод-

ган ялли ички махсусотнинг қарийб 8,2 фоизини, саноят махсусотларининг 13,1 фоизини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан самарали технологияларни қўлаш, харажатларни қисқартириш ҳисобидан махсусотлар таннархини арзонлаштириш, шу орқали рақобатбардорлиқни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада комбинатда зарурий чора-тадбирлар белгилаб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, 2020 йилда ишлаб чиқарилган махсусот таннархини камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида махсусотлар таннархини 784,5 миллиард сўмга ёки 6,5 фоизга камайтиришга эришилди.

Ҳар бир қорхонанинг иқтисодий асоси битта — олаётган соф фойдаси. Комби-

натиғимиз бу борада ҳам ҳар томонлама илғор, етакчи қорхона, десак, янгилишмаймиз. Фаолиятимизга илм-фан ютуқлари, инновация ва ишлаб чиқаришни бир-бирига интеграциялаш, сарф-харажатларни қисқартириш, махсусотлар таннархини арзонлаштириш ва тежамкорлик каби муҳим сифатлар кенг таъбиқ этилаётгани боис юқори даромад олишга эришилаёттир. Қорхонамиз жорий йилни 4,3 триллион сўм соф фойда билан якунлаётгани, рентабеллик эса 39,8 фоизни ташкил этаётгани фикримиз тасдиғидир.

Навоий кон-металлургия комбинати кўп йиллардан бунён мамлакатимиздаги энг йирик солиқ тўловчи сифатида етакчиликни бермай келяпти. Яқинда мамлакатимиз Молия вазирлиги эълон қилган рейтингда комбинат солиқлари Давлат бюджетни тушумининг 20,1 фоизини таъминлаётгани ҳақида хабар берилди.

Тан олиб айтиш керак, 2020 йил ниҳоятда оғир келди. Пандемия халқимизни иродаси, ҳар бир соҳани катта синовдан ўтказди. Қанчалик мураккаб ва қийин бўлмасин, бу синовларни давлатимиз раҳбари бошчилигида бирдамлик билан енгиб ўтганмиз. Бундай қийин вазиятда аҳил жамоамиз вакиллари ҳам қўлни қўлга бериб, туну кун фидокорона меҳнат қилдилар. Гигант қорхонамизда бошлаган ислохотларимиз, ишлаб чиқариш суръати бир маромида давом этади. Эл бошига тушган ташвишларни тўри баҳолаб, жамоамиз билан маслаҳатлашиб, масъулиятни янада чуқур ҳис этиб, қатъий интизом, шахсий жавобгарлик ва ҳамжиҳатликда ишлаб чиқариш суръатини янада ошириш, қўшимча махсусотлар ишлаб чиқаришга қарор қилдик. Меҳнат жамоамизнинг азму шижоати билан 300 миллион долларлик қўшимча махсусот ишлаб чиқардик.

Комбинатимиз жамоаси жорий йилни аънавий меҳнат зафарлари билан якунлади. Натижада комбинатимиз томонидан 48,9 триллион сўмлик саноят махсусоти ишлаб чиқарилди. Олтин ишлаб чиқариш режаси 105,3 фоизга, қумуш —100,2 фоизга ва уран — 100,2 фоизга бажарилди. Шу билан бирга, шу йилда 254,9 миллион долларлик махсусотни экспорт қилиш, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса 131 лойиҳа бўйича 339,6 миллиард сўмлик махсусот ишлаб чиқаришга эришилди.

Яна бир йил тарихга ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланмоқда — янги йилнинг кутлуг остонасида турибмиз. Асосийи, биз кириб келаятган 2021 йилдаги режаларимизни аниқ белгилаб олганмиз. Бунинг учун барча ташкилий чоралар қўрилган. Бугун пайдо бўлиб олинган йил ва йўл қанчалик машаққатли бўлмасин, албатта, юксак ишончни фидокорона меҳнатимиз билан оқлаб, Ватанимиз тараққиёти йўлида янада матонат билан хизмат қиламиз.

Бугун биз, катта йўлдамиз. Марра — аниқ, қароримиз — қатъий. Зиммамизга шарафли, масъулиятли юкни олганмиз. Жоначон юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш учун жамоамиз аҳли билан биргалликда навабдаги марралар сари дадил одимлашда давом этаверамиз.

«Чирчиқ деҳқон бозори» ҳудудида аввалдан фаолият юритиб келган мулкдорлар ўзлари томонидан қурилаётган дўконларга тўловларни амалга ошириш учун бозор маъмурияти билан шартнома тузишга тақлиф қилинади.


«Чирчиқ деҳқон бозори» ҳудудида аввалдан фаолият юритиб келган мулкдорлар ўзлари томонидан қурилаётган дўконларга тўловларни амалга ошириш учун бозор маъмурияти билан шартнома тузишга тақлиф қилинади.

Манзил: Чирчиқ шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, «Чирчиқ деҳқон бозори» маъмурияти биноси. Мурожаат учун телефон: 70-715-04-55.

Манзил: Чирчиқ шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, «Чирчиқ деҳқон бозори» маъмурияти биноси. Мурожаат учун телефон: 70-715-04-55.

ЭЪЛОНЛАР

# Кўз олдидда Ўзбекистон...



Майсага эзмайман, деб айтдим,  
 Дарахтга кесмайман, деб айтдим.  
 Тупроғимга, сен деб ўлсам,  
 Оғриқни сезмайман, деб айтдим.  
 Аёлга суюман, деб айтдим,  
 Ишқингда куяман, деб айтдим.  
 Сенинг босган изларингга  
 Бошимни қўяман, деб айтдим.  
 Сахрога тоғ бўласан, деб айтдим.  
 Кечга оқ бўласан, деб айтдим.  
 Шайтонга аёлни севсанг  
 Имондай пок бўласан, деб айтдим.  
 Қушларга отмайман, деб айтдим,  
 Ёримга сотмайман, деб айтдим.  
 Ҳақни айтсам — ўтда куймайман,  
 Сувларга ботмайман, деб айтдим.  
 Чинорларга хассан, дедим,  
 Осмонларга настсан, дедим,  
 Юлдузларни қўлда тутиб,  
 Тутганим йўқ — мастсан, дедим.  
 Тоғ устига чиқдим мастон,  
 Кўз олдидда Ўзбекистон.  
 Йиғлайвердим, йиғлайвердим,  
 Дедим: илоё, бўл омон.  
 Кўз ёшга арзир — сен, дедим  
 Қувончга арзир — сен, дедим,  
 Бу бошим дунёга арзир,  
 Шу бошга арзир — сен, дедим,  
 Қўшигим тарзи — сен, дедим,  
 Юрагим мағзи — сен, дедим,  
 Отамдан мерос қолгансан,  
 Боламдан қарзим — сен, дедим.

## Мутолаа

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланди. Бу мукофот жорий йилда ўзининг табаррук 70 ёшини қарши олган ижодкорга қўшалок байрам бўлди, десак, айна ҳақиқат.

Севимли шоиримизга мустаҳкам сихат-саломатлик, омонлик, ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Шоирнинг "Бахшиёна" туркумидаги шеърларидан бири эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



## Мақтабгача таълим

Анджон вилоятида мактабгача таълим ташкилотлари сони 1 450 тага етди. Энг муҳими, бу билан аҳолининг мактабгача таълим ташкилотларига бўлган қарашлари ҳам ўзгараётди. Яъни ота-оналар боғчага фарзандига кун давомида қараб ўтириладиган жой деб эмас, унга таълим-тарбия берадиган муассаса, деб қарамоқда.

# Билимдонлар боғчаси кичкинтойлар ихтиёрида

Мисол учун, яқинда Анджон туманида фойдаланишга топширилган "Эрудит болажон" мактабгача таълим ташкилотида болажонларга инглиз, рус ҳамда корейс тиллари ўргатилади. Шунингдек, бу ерда компьютер саводхонлиги бўйича машғулотлар ҳам ташкил қилинапти.

— Замонавий тилда бунёд этилган мактабгача таълим муассасасида болажонлар учун барча шароит яратилган, — дейди "Қора тут" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Зулфияхон Асқоров. — Айна чоғда бу масканда фарзандларимизни мактаб таълимига тайёрлаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ишлари жуда яхши йўлга қўйилган.

"Erudit garden" МЧЖ томонидан барпо этилган, умумий лойиҳа қиймати 5 миллиард 750 миллион сўм бўлган ушбу давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти 175 нафар болани ўз бағрига олади.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).



# ИЛМ-ФАН — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Кейинги йилларда дунё тараққиётига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири иқтисодиётнинг шиддат билан глобаллашуви ва унинг тобора мураккаб технологик ривожланишига ўтиб бораётганлигидир. Бу тараққиётда илм-фан омилдан самарали фойдаланилаётганлиги билан боғлиқ.

Аслида, бутун инсоният равнақини илм-фансиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бошқача айтганда, одамзод ўзининг ҳар бир қўлга киритган натижа ва муваффақиятларида илм-фан ютуқларининг ўрни мислсиз ва бетакрор.

ни олиш учун диссертация ишлари ҳимоя қилиниши арафасида. Бунун институт миқёсидаги илмий салоҳиятнинг тобора ёшариб бораётганлиги тенденсияси кўзга яққол ташланмоқдаки, хусусан, 2000 йили илмий даражали профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ёши 56 ёшни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 45 ёш ҳисобланади. Бу эса таълим даргоҳимиз истиқболига янада катта умид ва ишонч туйғуси билан қараш имконини беради.

дан олдин ҳимоя қилганларга, шунингдек, уларнинг илмий раҳбарлари ва консултантларига муассаса раҳбарининг буйруғи билан ўқиш муддатининг қолган даври (муддати) учун кўзда тутилган тегишчан стипендиянинг ҳамда докторант билан олиб борилган иш учун тўловнинг жами миқдори ҳажмида тегишли диплом тақдим этилган кундан бошлаб қўли билан 20 кун муддатда бир марталик бериладиган мукофот пули тўланадиган бўлди.

Ўз навбатида, бу, кўриниб турибдики, илмий тадқиқот ишларини ўз муддатида улгуриш ва вақтида ҳимоя қилишни тезлаштиришдан ташқиб, илмий раҳбарнинг ҳам моддий манфаатдорлигини ошириш учун хизмат қилади.

## Илмий кашфиётлар инсониятга нима берган?

Бу саволга жавоб сифатида бир қарашда оддий кўринган, бироқ инсоният тақдирини катта роль ўйнаган бир қанча мисолларни келтириб ўтиш мумкин.

Масалан, Архимед ўзининг ўша машҳур қонунини кашф қилмаганида одамзод денгиз ва океанлар бўйлаб бемалол сузиши ва ҳаракатлана олиш имкониятларидан бебаҳра кун кечиршига маҳкум эди. Ёки бу қонунсиз кўтарма кранларни яратиш имкони бўлмаганлиги боис замонавий бино ва иншоотларни барпо этишининг ҳам илҳами бўлмади. Пифагор теоремасини билмаганимизда қурмоқчи бўлган уйимизнинг томини тўғри ёполмадан оворасон бўлиб юришимиз ҳам тайин эди.

Биргина магнит ҳодисаси хоссаларини ўрганиш инсониятга чексиз қўлайликлар яратди, хусусан, тун қоронғулини ёритиб бераётган, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ҳаракатга келтираётган электр энергиясидан тортиб, радио эшитиш ва телевизион кўриш имкониятларига — одамзод орзулари рўйишга ҳисса қўшдики, бугунги кунда ҳеч биримиз буларсиз оддий кундалик турмушимизни ҳам тасаввур қила олмаймиз.

Шу боис давлатлар томонидан тараққиётнинг бу стратегик омилга эътибор жамият бошқарувида илм-фанга асосий ишлаб чиқарувчи куч сифатида муносабатда бўлиш даражасига кўтарилиди. Зеро, илмий изланиш ва тадқиқотларга сарфланаётган барча маблағ ва сарф-хароқатлар ўзини тўлиқ оқламакда ва ривожланиш даражасини белгилайдиган ўта муҳим мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирок кейинги ўн йилликлар мобайнида глобаллашув жараёнларининг шиддатли ва кескин тус олиши туфайли илмий изланишлар ва тадқиқот ишларини авж олдириш босқичида ҳам рақобат кучайгандан кучайиб кетди. Натижада илмий тадқиқотлар ҳам бозор иқтисодиёти муносабатлари билан бошқариладиган жамиятнинг белгиланган омилга айланди.

Бошқача айтганда, бозорни эгаллаш муддосида курашга бел боғлаган исталган давлат ўзида илм-фани тараққиёт этириши лозимлигини чуқур англаб ета бошлады. Натижада рақобатнинг кескинлашуви — дунё давлатлари иқтисодиётида инновацион ва юқори технологик форматга ўтилиши заминда иқтисодий тараққиётда турличи сановат инқилоби даври бошланди. Бунинг "япон модели", "корейс модели", "немис модели" каби миллий тараққиёт моделларининг дунё бозорини эгаллаш учун курашиш фаолиятлари мисолида кўриш мумкин.

## Ўзбекистон тўртинчи сановат инқилоби даврида

Мустақилликка эришилган, Ўзбекистонда ҳам бу борада кескин чоралар кўриш

мақсадидаги сарф-хароқатлар амалга оширилди.

Жумладан, мамлакат иқтисодиётини оёққа турғазаш, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий базани яратиш чоралари кўрилди. Бироқ нафисларини айтганда, барча даврда ҳамма давлатларда бўлган сингари эскилик билан янгилик ўртасидаги курашда тўғноқ бўладиган сабабларнинг туб илдизини аниқлаш, уларга қарши курашда етарлича жўрватининг йўқлиги жамиятимиз тараққиётини ривожлантиришда илм-фан негизда йўлга қўй олиш имконини бермади. Илм-фан тўғрисида ҳар қанча қунон-чаклик билан қайғурилмасан, у эски муносабатлар қўбйида ривожлана олмаслигини даврнинг ўзи яққол кўрсатди.

Халқимизнинг бу борадаги азалий орзулари кейинги йилларда рўёбга чиқмоқда.

Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунларидан оқим-фанни ривожлантиришдан тараққиётга эришиш бўлмағлини таъкидлар экан, давлат раҳбари сифатидаги дастлабки урғушувни ҳам таълим, илм-фан соҳаси вақиллари, академиклар билан ўтказган эди. Ва бу урғушув мамлакатимиз илм-фани тараққиётини янги босқичга олиб чиққани, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан тарихий аҳамият касб этди...

Маълумки, 2020 йил 29 октябрда "Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон асосида тасдиқланган Концепция иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фани мунтазам ислох қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Унда кўзда тутилган устувор вазифалар замонавий билимга эга ва мустакил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сизмат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

## Салоҳиятли кадрлар — мамлакат келажаги

Табиийки, бошқа барча соҳа сингари илм-фан равнақи ҳам кўп жиҳатдан юксак билим ва касбий малакага эга, замон руҳи билан ҳамнафас, рақобатбардор кадрлар билан бевосита боғлиқ.

Афсуски, узок йиллар мобайнида ушбу омилга етарлича эътибор берилмай келинди. Охириги ўн йилликларда илмий даражали кадрлар билан илмий даражаси бўлмаган ходимлар маоши ўртасидаги фарқнинг ка-

## Фармон ва ижро

майиб кетиши илмий тадқиқот ишларига бўлган қизиқишнинг пасайишига олиб келди. Бу эса олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатди. Қўллаб илмий даражали профессор-ўқитувчилар айнан олийк маош қониқтирмаганлиги сабабли иш фаолиятини ўзгаришига мажбур бўлди.

Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Ҳозирги кунда фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертациясини муддатидан олдин ҳимоя қилган тадқиқотчиларга, шунингдек, уларнинг илмий раҳбарларига мукофот пули тўланамоқда. Илгари эса ана шундай ютуқлар учун рағбатлантириш деярли бўлмаган.

Маълумки, 2020 йил 29 октябрда "Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон асосида тасдиқланган Концепция иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фани мунтазам ислох қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Шунинг учун Концепцияда республика-мизда яқин келажақда илм-фани ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида соҳани молиялаштириш тизимини яхшилаш назарда тутилганлиги айнаи мудададор. Илгари тайёр ишини ҳимоя қилиш учун иқтисослаштирилган Илмий кенгаш ишлаб юриш ҳоллари ҳам муайян маънода илмий кадрлар тайёрлашга халал бериб келган эди. Ҳозирга келиб жойлардаги нуфузли олий таълим даргоҳларида ҳам бундай кенгашларнинг фаолият кўрсатиши йўлга қўйилганлиги ёки диссертация ишларини масофавий ҳимоя қилиш тартибининг жорий этилиши ҳам ўзининг дастлабки ижобий самараларини бера бошлады.

Бунинг институтизм миқёсидаги айрим мисоллар ёрдамида ҳам изоҳлаш мумкин. Кейинги икки йил мобайнида институтизм профессор-ўқитувчиларидан 16 нафари ўз илмий ишлари ҳимоясини онлайн тарзда амалга оширди. Шу давр ичидан институтда 15 та фалсафа доктори (PhD), 2 та фан доктори (DSc) илмий унвонларини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилинди. Бугунги кунда яна 2 та фан доктори (DSc) ва 9 та фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари-

## Шаффофлик ва самарадорлик — асосий мезон

Дарҳақиқат, илм-фан равнақи жамият тараққиётининг, мамлакат истиқболининг муҳим омилли. Шу боис ҳам илмий фаолият билан шуғулланаётган фан намоёндаларига янада кенг имкониятлар яратиш, таълим тизимини, илм-фан соҳасини комплекс ривожлантириш доимий эътибор марказидаги масалалардан.

Айна пайтда ёшларимиз орасида илмий изланишлар олиб бориш истаги бўли-

## Бизни муштарак мақсадлар бирлаштиради

Фаргона политехника институти водий вилоятларидаги сановат корхоналари учун малакали муҳандис кадрларни тайёрлаб бериш мақсадида 1967 йилда ташкил этилган.

Табиийки, ана шу мақсадда водийдаги барча корхоналар билан кўпқиррали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Айна пайтда бу йўналишдаги ишлар йил сайин кенгайиб ва муштаҳамлаб борилаётди.

Хусусан, илмий тадқиқот ишлари соҳасида ҳам кўпгина сановат корхоналари билан ҳозирги кунда бир миллиард сўмга яқин ҳужайма шартномаларини тугатимиз. Уларнинг барчаси корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнини янада такомиллаштириш, инновацион ва рақамли илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш масалаларида назарий ва амалий ёрдам кўрсатиш муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларида деярли барча сановат корхоналарида таълим даргоҳимизни тугатиб муваффақият билан ишлаётган муҳандис кадрларни ўқатиш мумкин. Биз, устозлар эса бундай битирувчиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, албатта.

Ярим асрдан зиёд давр мобайнида институтизмизда шаклланган ана шундай аниқана ва кадрятларни бугунги кунда авайлаб-асраш билан бирга, уларни янада бойитиш чораларини кўрган ҳолда меҳнат қилгилмиш. Зеро, таълим-тарбия, илм-фан ҳар бир соҳанинг муҳим пойдеворини ҳисобланади. Таълим тизимининг самарали йўлга қўйилиши эса эртаимиз пойдеворининг муштаҳам бўлишининг асосий гаровидир.

Модомики шундай экан, мамлакатимизда Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш учун барча имкониятдан фойдаланиш олдимизда турган асосий вазифамиздир. Бинобарин, катта мақсадларни кўзда тутилган мазкур Концепция келгусида илм-фани ривожлантириш, таълим тизими ва илмий фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва халқро даражага олиб чиқишга хизмат қилади.

**Зоҳидбек ҲАМРОҚУЛОВ,**  
 Фаргона политехника институти проректори, техника фанлари доктори.

## Туризм

Шахрисабз ўзининг бетакрор табиати, мусаффо ҳавоси, қиру тоғлари ва сой жилгалари билан азалдан сайёҳлар учун сеvimли маскан бўлиб келган. Тоғ ён-бағрида жойлашган Мирози қишлоғининг табиий иклими ҳам туризмни ривожлантириш учун гоят қулай.

# Тоғ бағрида сайёҳлар учун меҳмон уйлари қурилади

Айна пайтда шифобахш булоқ суви, ранг-баранг гиёҳлари, гўзал табиат манзаралари, муқаддас зиёратгоҳлари билан танилган қишлоқ тиббиёт, эко, этно ва зиёрат туризми шайдоларини ўз бағрига чорлаётди. Шунга мос равишда дунёнинг турли давлатларидан келаётган сайёҳлар сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Хусусан, ушбу масканга ҳар йили 500 мингга яқин дам олувчи келиши мўлжалланган бўлиб, бунинг учун 20 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Эндиликда бу ерга келувчи хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар учун барча қулайлик яратилмоқда. Яъни қишлоқда 226 та меҳмон уйлари барпо қилиш чора-тадбирлари белгиланяпти.

Бу ҳақда Шахрисабз тумани ҳокими Самад Ҳасанов туман Кенгаши сессиясида 2020 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2021 йилги устувор режалар босқисидagi муносабатларини айтиб ўтди.

Туманининг тоғли ҳудудларида туризмни ривожлантириш мақсадида яна иккита йирик лойиҳа амалга оширилади. "Shahrisabz Eco Tour" Ўзбекистон — Қозғистон қўшма корхонаси томонидан йилгача сув ҳавзасида "Рафтинг — юмшоқ резинали қайиқга сайр қилиш" (экстремал туризм) лойиҳаси ишга туширилади.

Бу лойиҳалар амалга оширилган, мингга яқин янги иш ўринлари яратилиши баробарида, йилгача 50 миллиард сўм даромад олиш имконияти яратилади.

**Фохриддин БОЗОРОВ**  
 («Халқ сўзи»).

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанимиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Девонхона 71-233-52-55;  
 Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЎМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДАН ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

Газетанимиз оғказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термидил ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанимиз полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**МУАССИСЛАР:**  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
 100000,  
 Тошкент шаҳри,  
 Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.  
 Мусаҳҳиҳ — С. Исламов.

**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**  
 Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.35 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6